# Термиз туманидаги пахта далаларида дефолиация тадбирлари олиб борилмоқда

Пахта парваришида дефолиация агротехник тадбирини ўтказиш муҳим саналади. Пахта майдонларида дефолиация тадбирлари ўз вақтида сифатли ўтказиш ҳосилни қисқа муддатлар ичида пишиб етилиши ва тез очилишини таъминлайди.

Термиз туманида фермер хўжаликлари далаларида дефолиация агротехник тадбирлари уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Мазкур агротехник тадбирнинг ўз вақтида ва меъёрлар асосида бажарилиши мутахассислар томонидан назорат қилинмоқда.